

Мактабларда биринчи қўнғироқ жаранг сочди ва янги ўқув йили бошланди



Бугун 4-сентябр куни Қумқўрғон туман ҳокими Анвар Нормаматов тумандаги 9-сонли умумтаълим мактабида “Билимлар куни” байрам тадбирида иштирок этди.

Тадбирда туман ҳокими сўзга чиқиб Мустақиллигимизни 33 йиллиги ҳамда янги ўқув йили бошланганлиги муносабати билан барча ўқувчиларни самимий табриклади.

Биринчи қўнғироқ тадбирлари "Бир бўлсак - ягона халқмиз, бирлашсак - Ватанмиз!" шиори остида ташкил этилган бо'либ, унда мактабларнинг барча ўқувчилари, маҳалла нуроний оқсоқоллари, устоз ва мураббийлар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам иштирок этди.

Тадбир давомида ўқувчилар томонидан Ватанни тараннум этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар, сахна кўринишлар намойиш этилди. Жорий ўқув йилида мактаб остонасига илк бор 4990 нафар жажжи ўғил-қизлар қадам қўймоқда.